



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 3 май, № 89 (7047) Пайшанба

Сайтимишга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЮРТ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ислохотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2 май куни Наманган вилоятига ташриф буюрди.



Наманган вилояти мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти юқори, бой тарих ва маданиятга эга ҳудудларидан биридир. Кейинги йилларда вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаёти тубдан янгиланиб, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси кун сайин ўзгариб бормоқда, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Чуст туманидаги “Барак мева саноат сервис” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, мева-сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишга йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш, умуман, ушбу соҳани ривожланти-

ришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур масъулияти чекланган жамияти 2015 йилда фаолиятини ёнғоқ, майиз ва ковул экспортдан бошлаган. Жамият тасарруфидоғи экин майдонларида галла, кунгабоқар, ловия, картошка, маккажўхори, иссиқхонада помидор парваришланмоқда. 17 сотихли эстакада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тажрибадан ўтказилаётган. 32 кишининг бандлиги таъминланган. Мавсум пайтида ишчилар сони 800 нафардан ошади.

Лойиҳа доирасида 160 гектар майдонга серхосил ёнғоқ кўчатлари ўтказилмоқда. Унинг умумий қиймати 9,6 миллиард сўм бўлиб, йилига ўртача 4 минг 600 тонна ёнғоқ етиштирилади. Ёнғоқлар тўлиқ ҳосилга кирса, бир йилда 40,2 миллиард сўмлик маҳсулот олиш мумкин, унинг 70 фоизи экспорт қилинади.

Шу ернинг ўзида 2018-2019 йилларда балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик, пиллачиликни йўлга қўйиш, томорқачиликни янада ривож-

лантириш, иссиқхонада лимон етиштириш, тутзорлар ташкил этиш, оғир ҳудудлардаги майдонларнинг сув таъминотини яхшилаш, пахтадан бўшаган ерларга турли экинлар экиш ва экспортбоп маҳсулотлар етиштириш, вилоят экспорт салоҳиятини янада ошириш бўйича лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари ёнғоқзорларни кўпайтириш, балиқчилик бўйича мутахассислар тайёрлаш, картошка уруғчилигини ривожлантириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришда кичик саноат зоналарининг алоҳида ўрни бор. Президентимизга Наманган шаҳридаги “Орзу” кичик саноат зонасида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдим этилди.

Саноат зонасининг ҳудуди салкам ўн гектарни ташкил этади. Бу ерда энгил саноат, озиқ-овқат, тиббий техника, полиграфия, полиэтилен пакетлар ва плёнкалар, энергия тежайдиган лампалар ишлаб чиқаришга

оид умумий қиймати 142 миллиард сўмликдан зиёд 22 лойиҳани амалга ошириш мўлжалланган. Лойиҳалар ҳаётга тўлиқ татбиқ этилган, йилига 82,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, 4 мингга яқин кишиларнинг бандлиги таъминланади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилади.

Жорий йилнинг май ойи охиригача тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган “Порлоқ текстиль либослари”, “Нуробод сифат текстиль”, “Улуг-Б”, “Босир текстиль сервис” масъулияти чекланган жамиятлари фаолият бошлайди.

Саноат зонасининг замонавий коммуникация тармоқлари ва инфратузилма объектларига яқин ҳудудда ташкил этилган корхоналарни келгусида энергия ва бошқа ресурслар билан узлуксиз таъминлаш имкониятини яратади. Лойиҳаларда замонавий, энергия тежамкор чет эл технологияларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш, хом ашё етказиб бериш ва маҳсулотини сотишга кўмаклашиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди. Хорижий технологияларни олиб келиш учун маблағ ажратиш, экспортни кенгайтириш учун корхоналарга халқаро мақом бериш зарурлигини таъкидлади.

Наманган шаҳрида энгил саноатни ривожлантириш, хусусан, “Юксалиш”, “Орзу”, “Пахталикўл”, “Хонобод” саноат зоналарида амалга оширилаётган лойиҳалар, Катта Фарғона каналининг Учқўрғон тумани ҳудудидан ўтган қисмида кичик ГЭСлар каскади қурилиши, “Водий нефтьгаз энергия” корхонасида ишлаб чиқарилган газ тармоғи хавфсизлигини таъминлайдиган инновацион қурилма тақдимотлари ўтказилди.

Президентимиз мазкур лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатида амалга ошириш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Норин туманидаги “Беҳ сада” фермер хўжалиги шийпонида Наманган вилояти фермерлари билан мулоқот қилди.

“Беҳ сада” фермер хўжалиги 2004 йили ташкил этилган. Долимжон Шарипов раҳбарлигидаги хўжалик ишчилари жорий йилда 27 гектарда галла, 21 гектардан зиёд майдонда гўза парваришланмоқда.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан ҳар йил декабрь ойининг иккинчи яшанбаси мамлақати-

мишда Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини эътибор билан белгиланган. Давлатимиз раҳбари шу муносабат билан 2017 йил 9 декабрь кунини ўтказилган тантанали маросимдаги нутқидоғи пахта майдонларида ҳосилдорликни ошириш ва ердан самарали фойдаланиш мақсадида чигитни “қўшқатор” ва “олтмишлик” схемалар асосида экишни йўлга қўйиш ва самарасиз бўлган “тўқсонлик” схемадан босқичма-босқич воз кечиш зарурлигини таъкидлаган эди. Бугун вилоят фермер хўжаликлари мазкур кўрсатмалар асосида гўза парваришини замонавий технологиялар асосида йўлга қўйган.

“Беҳ сада” фермер хўжалиги ҳам гўзани “қўшқатор” схемаси асосида экишни жорий этди. Бунинг натижасида 1 гектар ерга қўшимча 35 минг донга чигит қадалиб, ҳосилдорликни 40 центнергача ошириш имкони пайдо бўлди. Галла ҳосилдорлиги 80 центнерга чиқарилиб, олинган соф фойда 35 миллион сўмга етиши кутилмоқда.

Президентимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳақида сўз юритар экан, таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида қилинадиган ишлар ҳали кўпчилигини таъкидлади.

— Барча саяё-ҳаракатларимиздан асосий мақсад халқимизни рози қилиш, эртанги кунга ишонтиришдир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Миришкорлар Президентимизга фермерлар учун яратилган шароит ва имкониятлар, давлат томонидан қаратилган алоҳида эътибор учун миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Учқўрғон туманидаги “Uztex Uchkgurgan” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Ўтган йил ноябрь ойида “Uztex” гуруҳи таркибидоғи замонавий типдаги тўқимачилик мажмуаси фаолият бошлаган эди. Натижада бу ерда 1 минг 600 дан ортиқ иш ўринлари яратилди. Корхона йилига 12 минг тонна калава ип ва 3 миллион донга тайёр трикотаж маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Давлатимиз раҳбари топшириғига биноан пахта 100 фоиз қайта ишлашга иختисослаштирилган корхона энди тўлиқ кластер усулига ўтади.

Президентимизга корхона фаолиятини кенгайтириш ва кластер тизимида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдим этилди. Ҳозирги кунда корхонага ёндош ҳудудда пахта 100 фоиз ишлашга мажбур бўлиб, ушбу пиру бадавлат технологиялар асосида қайта ишлашга мўлжалланган ҳамда полиэфир аралашган пахта толаси, пахмоқ мато ва тайёр текстиль маҳсулотлари

ишлаб чиқариладиган қўшимча қувватлар фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда. Муҳими, яна кўплаб янги иш ўринлари яратилади. Технологик жараёнларга Европа давлатларидан келтириладиган ускуналар жалб этилади. Бу маҳаллий пахта хом ашёсини қайта ишлаш сифатини ва экспорт қўламини оширишга хизмат қилиши қайд этилди. Давлатимиз раҳбари корхона иш жараёнини кўздан кечирди, пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш борасидаги ишлар билан қизикди.

Бу йил туманда 10 минг гектарга яқин ер майдони кластер усулида пахта етиштириш учун ажратилди. “Текстиль финан Наманган” корхонаси томонидан хориждан экиш техникалари, культиваторлар, тракторлар, пахта териш ва уни қадоқлаш комбайни сотиб олинди.

Президентимиз корхона мутасаддиларига пахтага сунъий толани аралаштириб, маҳсулот ҳажми ва иш жойини, пировардида бюджетга солиқ тушумини кўпайтириш бўйича аниқ кўрсатмалар берди. Шунингдек, айланма маблағларни ошириш ҳисобига тумандаги кам таъминланган оилаларга туҳум ва товукни лизингга бериш кераклигини таъкидлади.

— Кам таъминланган оилаларга кўмак бериш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш “Uztex Uchkgurgan” корхонасининг брендига айланиши лозим, — деди Шавкат Мирзиёев. — Шу орқали аҳолининг муҳтож қатлами ишлашга, яхши яшашга ўргатамиз, ҳаётга бўлган ишончини ошираемиз.

Туманда кластер тизимида чигит экишдан то тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёни сифатли ташкил этиш, 2 та янги боғча қуриш, ичимлик суви ва канализация тармоқларини барпо этиш юзасидан топшириқлар берилди.

Шу кунини Норин тумани ҳокимлигида вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Видеоселектор шаклида ўтган йиғилишда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, таълим, тиббиёт соҳаларини такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

БИЗ ва ЖАҲОН

Хорижлик экспертлар:

«ЎЗБЕКИСТОН ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ТАШҚИ СИЁСАТ ЮРИТМОҚДА»

Мамлакатимиз томонидан ташқи сиёсат борасида амалга оширилаётган жадал чора-тадбирлар Марказий Осиё ва унинг ташқирисидоғи мулақо янги геосиёсий муҳитни шакллантирмоқда. Таниқли экспертлар билдираётган фикр-мулоҳазалардан ҳам бунинг англаш мумкин.

Хусусан, Жаҳон сиёсатини ўрганиш институти (АҚШ) мутахассиси Николас Трикетнинг фикрича, сўнгги вақтда Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг фаол ҳамда ташаббускор субъекти, минтақа келажағига нисбатан узоқ муддатли ёндашувга эга давлат сифатида ўзини намоён қилмоқда.

“Ўзбек дипломатияси ташлаётган жадал қадамлар қисқа муддатда муҳим натижаларга эришишга имкон бериб, улар нафақат мамлакатнинг ўзи, балки бутун Марказий Осиё учун ҳам долзарб аҳамият касб этади”, деб хисоблайди америкалик таҳлилчи.

Қўшнилари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан бирга, расмий Тошкент йирик давлатлар билан муносабатларда ҳам салмоқли ютуқларга эришяпти. Буларнинг барчаси республика атрофида унинг изчил ички ривожланиши учун зарур бўлган мақбул ташқи сиёсий муҳитни яратаяпти.

Ўз навбатида, Стратегик маданият жағмармаси эксперти Андрей Уваров шу йил Остонада Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳатлашув учрашуви бўлиб ўтганини эсга олди.

(Давоми 2-бетда).

Юксак марралар йўлида изчил ҳамкорлик

Ўзбек ва турк халқларини азалий дўстлик, биродарлик ҳамда қардошлиқ ришталари ўзаро боғлаб туради. Хар икки халқнинг дини бир, маданияти, урф-одатлари ўхшаш. Туркиянинг ривожланган саноати, транспорт коммуникациялари, денгиз йўллари, қишлоқ хўжалиги, туризм салоҳияти, улкан давлатчилик тажрибаси Ўзбекистон учун долзарб аҳамиятга эга.

Депутат фикри

Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам Туркия ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутаяпти. Мамлакатимиз бугунги кунда Туркиянинг Марказий Осиёда энг асосий шерикларидан бири ҳисобланади. Юртимизнинг улкан бозори, тобора либераллашиб бораётган иқтисодиёти, қулай инвестициявий муҳити, тарихий шаҳарлари, муқаддас диний қадамжолари Туркияда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон — Туркия муносабатлари динамик тарзда ривожланиб бормоқда

ҳамда ўсиш тенденцияси ўзаро ҳамкорликнинг барча жабҳасида кўзга яққол ташланаяпти. Бугунги кунда мамлакатимизда Туркиянинг 500 га яқин фирма ва компаниялари фаолият юритаётди. Биргина 2017 йилда юртимизда Туркия ишбилармонлари сармояси иштирокида 20 дан ортиқ корхоналар ташкил этилди, 53 компаниянинг ваколатхоналари эса аккредитация қилинди. Ушбу рақамлар ўзаро алоқаларда нечоғли улкан салоҳият борлигини ёрқин исботидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилда Туркияга давлат ташрифи давомида ушбу мамлакат парламенти — Буюк миллат мажлисида ҳам бўлган эди. Туркия парламентида кечган муҳим мулоқотлар жараёнида икки давлат парламентлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, парламентларнинг қонун ижодкорлиги ҳамда парламент назорати шакллари бўйича ўзаро тажриба алмашиш масалалари ҳам атрофлича муҳокама этилганди. Мазкур ташриф арафасида “Ўзбекистон — Туркия” парламентлараро дўстлик гуруҳи тuzилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланганди.

(Давоми 2-бетда).

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ДОРИЛАМОН КУНЛАР ШУКРОНАСИ

Нурота туманида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларидан олти нафари истиқомат қилади. Президентимизнинг жорий йил 16 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёрлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Навоий вилояти ҳокими ушбу пиру бадавлат отахонлар, фронт ортининг меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиб, 5 миллион сўм миқдоридоғи бир марталик пул мукофоти ҳамда эсдалик совғаларини топширди.

Нурота туманидаги “Шайхон” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Турсунқул бобо Эргашев шу йил 96 баҳорини қарши олди. Уруш арафасида ҳарбий хизматга қақрилиб, Украина тупроғида жангга кирди. 1944 йил оғир яраланиб, ортга қайтди.

Бобо бугун ҳам тетик, ҳазил-мутойибани хуш қаради. — Фронтдан қайтиб, элик йил тарих фанидан болаларга сабоқ бердим, — дейди отахон. — Оила қуриб, етти фарзандни воёга етказдик. Беш ўғил, икки қиз — ҳаммаси педагог.

(Давоми 2-бетда).

Юксак марралар йўлида изчил ҳамкорлик

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бугунги кунда жаҳон сиёсатида парламентлар ўртасидаги алоқалар тобора юксалиб бораётганини эътиборга олак, мазкур меморандум тарихий аҳамиятга эга, десак, асло муболага бўлмайди. Зеро, Ўзбекистон ва Туркия парламентлари ўртасида ўзаро мулоқотни жонлантириш иккала мамлакатнинг ҳамкорлик алоқаларини юқори босқичга олиб чиқишга, хусусан, Президентимизнинг ўтган йилги ташрифидан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, инвестициявий ҳамда техно-

логик, маданий-гуманитар, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳаларда эришилган келишувларни ҳаётга тулиқ жорий этишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғуннинг мамлакатимизга давлат ташрифи ҳамда Олий Мажлисидаги чиқиши биз, депутатларда катта таассурот қолдирди. Туркия раҳбари ўз нутқида Ўзбекистонда Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ишловлар ҳозирданқў ўзининг ижобий натижаларини бераётганини эътироф этди. "Инсон манфаатларини кўзлаб олиб бори-

лаётган ушбу ислохотларнинг бош мақсади — халқ фаровонлигини оширишдир", дея алоҳида таъкидлади Туркия Президенти. У, айниқса, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги қўшилари билан илқ муносабатларни ўрнатганидан мамнун эканлигини изҳор этди. Шунингдек, ўз нутқида Эркин Воҳидов, Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон каби улуг адибларимиз шеърларидан намуналар келтиргани унинг ўзбек халқига бўлган юксак ҳурматининг ёрқин ифодасидир. Шу билан бирга, Режеп Таййип Эрдоғун Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлини қўллаб-

қувватлаган ҳолда, савдо, иқтисодий, инфратузилмавий, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда биргаликдаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш бўйича мулоҳаза ва таклифларини билдирди. Туркия Президентининг мамлакатимизга ташрифи, шубҳасиз, тарихий аҳамиятга эга. Ташриф давомида ўзаро алоқаларда фойдаланилмаган имкониятлар кўпчилиги, хусусан, эркин иқтисодий ҳамда қишлоқ саноат зоналарида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш,

туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадаллаштириш, айниқса, Ўзбекистонда зиёрат туризмининг ривожлантириш, ўзаро авиақатновларни кенгайтиришда муҳим вазифалар илгари сурилди. Умуман айтганда, Ўзбекистон ва Туркия раҳбарларининг ўзаро ташрифи икки давлат ўртасидаги алоқаларда янги саҳифа очди ҳамда ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини белгилаб берди. Имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувлар ишончли муносабатларни юқори даражага олиб чиқиш билан бирга, қардош халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Қодир ЖўРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқроқ ишлар ва парламентларо алоқалар кўмитаси аъзоси.

Хорижлик экспертлар:

«ЎЗБЕКИСТОН ФАОЛ ВА ТАШАБУСКОР ТАШҚИ СИЁСАТ ЮРИТМОҚДА»

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Мутхассис мазкур учрашув Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил қилиниб, у минтақа мамлакатлари томонидан қўллаб-қувватланганини таъкидлайди. Март ойининг ўзида Тошкентда Афғонистон бўйича юқори даражадаги йирик халқаро конференция ўтказилди.

— Яқинда Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов Ўзбекистонга давлат ташрифи билан келди, — дейди А. Уваров. — Умуман, ўзбек дипломатиясининг таъсири Марказий Осиёдан ташқарига ҳам "тарқалмоқда" ва республиканинг халқаро обрў-этибори ортишига хизмат қилаётди.

Тожикистонлик сиёсатшунос Хурсанд Хуррамовнинг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан алоқаларидаги тараққиёт, энг аввало, ушбу мамлакатлар фуқаролари учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Зеро, давлатлараро муносабатлар яхшиланишининг натижаси ўларок, чегаралар очилмоқда, виза тартиби осонлашиб, савдо-сотиқ учун тўсиқлар бартараф этилаётди. Бу халқларимизга бир-бирини кўпроқ бориб кўришга имкон бериб, товарлар ва хизматларнинг ўзаро ҳаракати жадаллашишига хизмат қилади.

Анвар МИРЗАЕВ
(«Халқ сўзи» тейёрлади).

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ



Ўсимликлар карантини соҳасининг ҳуқуқий асоси тақомиллаштирилмоқда

Айни пайтда "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг янги тахрири иккинчи ўқишга тайёрланмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси томонидан унга тақомиллаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилляпти. Депутатлар тадбиркорлик субъектлари, ўсимликлар карантини соҳаси ходимлари, умуман, кенг жамоатчилик билан мазкур қонун лойиҳасини муфассал муҳокамадан ўтказмоқда.

— Амалдаги "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги Қонун 1995 йилда қабул қилинган бўлиб, у бугунги кун талаблари, айниқса, илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий технологияларни амалда жорий этиш нўқтаи назарда тутиб, мазмун эскирган эди, — дейди Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси аъзоси Шўхрат Яқубов. — Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Вазирилар Маҳкамаси томонидан киритилган янги тахрирдаги "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилдик. Мазкур қонун лойиҳасини тақомиллаштириш бўйича кўмитамизда 40 дан ортиқ эксперт муҳокамалари ташкил этилди. Уларда ўсимликлар карантини соҳасида кўп йиллик тажрибага эга мутахассислар, олимлар, агрономлар ўз фикр-мулоҳазалари, таклифлари билан фаол қатнашди.

Депутатларнинг фикрича, айни пайтдаги ҳудудларда ўндан ортиқ тадбирлар ташкил қилинган ҳамда мутахассисларнинг фикрлари ўрғанилган. Билдирилган юздан ортиқ таклиф ва тавсиялар мазкур қонун лойиҳасини ҳар жиҳатдан пухта ишлаб чиқишда муҳим ўрин тутаётди. Қўмита аъзолари томонидан қайд этилганидек, қонун лойиҳасига 5 та янги модда қўшилмоқда, мазмунан бири-бирига яқин бўлган 4 та модда иккита моддага қисқартирилган. Лойиҳанинг 3-моддасида кўрсатилган 15 та асосий тушунчаларни ифodalovчи дефинитив нормаларнинг 5 таси қисқартирилган. Умуман, лойиҳадаги 20 дан ортиқ моддаларга қонунчилик техникаси талабларидан келиб чиқиб, муҳим тузатишлар киритилмоқда. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши ўсимликлар карантини соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш механизмидаги тақомиллаштириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, карантин хизмати фаолиятига замонавий иш услублари ҳамда хориж технологияларини жорий қилиш, шунингдек, Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси масъул ходимлари мажбурийатларини аниқ белгилаш имконини беради. Қонун лойиҳаси муҳокамалари давом этмоқда.

З. АШУРОВА.

Ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлиги назорат қилинади

Юртимизда барча соҳада бўлгани каби қишлоқ хўжалигини замонавий таъминлаш асосида ташкил этиш, унинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида бир қатор қонун ҳамда қарорлар қабул қилинмоқда. Президентимиз томонидан 2018 йил 26 апрелда имзоланган "Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам ана шу мақсадга йўналтирилган.

Сенатор мушоҳадаси

Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда яшаши, меҳнат фаолияти ҳам қишлоқ хўжалиги билан боғлиқлиги инobatга олинса, мазкур ҳужжат ўз вақтида қабул қилингани аён бўлади. Бугунги кунда фермер хўжалиқлари қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш ҳамда фаровон ҳаёт кечиришида, қишлоқларни обод масканларга айлантиришда муҳим ўрин эгалламоқда.

Фермер хўжалигининг жамиятда етакчи қушга айланиб бориши, ўз навбатида, фермер хўжалигини ташкил этишининг ҳуқуқий асосларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада тақомиллаштиришни тақозо қилади. Соҳадаги ислохотлар тўғрисида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99 фоизидан ортиги фермер ва деҳқон хўжалиқ-

ларини татбиқ этиш борасида қўзланган мақсадга эришиш осон кечмапти. Маълумотларга кўра, аҳоли ихтиёридаги 480 минг гектардан ортиқ томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги қониқарли эмас. Баъзи туманларда ер эгалари ушбу майдонлардан узоқ йиллар фойдаланмай, қаровсиз ҳолда қолдирган, аммо уларга нисбатан етарли даражада таъсир чоралари кўрилмаган.

Фермерлар ҳамда деҳқонларимиз орасида ўз вазифасини фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ички бозор учунгина етиштиришдан иборат, деб ўйлайдиганлар анчагина. Вақолонки, бугун қишлоқ хўжалиги иқтисодиётимизнинг етакчи бўғинларидан бири. Бу соҳани замона талаблари асосида ривожлан-

риш ҳамда унинг самарадорлигини янада оширишга қаратилган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш кўзда тутилган эди. Айтиш мумкин, шундан сўнг бу борада тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳукумат ҳам, тегишли вазирлик ва идоралар ҳам, ҳатто парламент ҳам қараб тургани йўқ.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори эса ана шу сабаб-ҳаракатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлади. Ҳужжатга кўра, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашига 2018 йил 1 июлдан барча фермер ҳамда деҳқон хўжалиқларининг аъзоллиги мажбурий, томорқа ер эгалари учун эса ихтиёрий экани белгилаб қўйилди. Шунингдек, ушбу тузилма фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашига тартиб-аъводини қўйиб, деҳқон хўжалиқлари ва деҳқон хўжалиқларининг ўз ишларида халқ депутатлари туман Кенгашларида, деҳқон хўжалиқлари ҳамда томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги эса ҳар ойда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида муҳокама қилиб борилиши ҳам фермер ва деҳқон хўжалиқларининг ўз ишлари бўлган масъулиятини кучайтиради.

Яна бир эътиборли жиҳати, барча қишлоқ туманларида "Томорқа ҳизмати" МЧЖлар ташкил этилгани бўлди. Улар фермер, деҳқон хўжалиқлари ҳамда томорқа ер эгаларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотишда, моддий ресурслар, жумладан, уруғлар, кўчатлар, техника ҳамда бошқа воситаларни етказиб

беришда яқиндан қўмақлашди. Хулоса ўрнида айтиш мумкин, давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори ижроси Ўзбекистонда фермерлик, деҳқончилик ҳаракатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳага замонавий йўналишларни жорий қилиш, халқ фаровонлигини таъминлашда мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

Мақсуда БАРИСОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.



лари ҳамда томорқа ер майдонларида етиштирилишига эришилди. Аммо ҳудудлардаги ҳолат ўрганилганда шу нарса маълум бўлдики, амалдаги ҳужжатларни талқин этишда йўл қўйилган ҳаттоликлар сабаби бир қанча муаммолар юзага келмоқда. Бу, айниқса, ерга эгаллик қилиш, ундан самарали фойдаланишни назорат этиш борасида аъқол кўринаётди.

Бу каби муаммоларни ҳал қилиш, фермерлик ҳаракатига янги илғор

тириб, давлат газнасига тушадиган даромад салмоғи кўпайтирилмас, халқ фаровонлиги-ю, юрт равнақини таъминлаш мумкин.

Шу сабабли ҳам Президентимизнинг ўтган йил 9 октябрдаги Фармонида чорвачилик, паррандачилик, баллиқчилик, мева-сабзавотчилик, асаларичилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа муҳим йўналишларини янада ривожлантириш, фермер хўжалиқларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлашти-

Қонун кучга кирди

Журналистлик фаолиятининг мустаҳкам қафолати

Бугунги шиддатли ислохотлар жараёнида оммавий ахборот воситалари вакиллари фаол иштирок этаётганини ахборот оқимининг тезлигидан аққол кўриш мумкин. Журналистлар хабарлар, материаллар тўплайпти, таҳлил қилаяпти ҳамда тарқатапти. Ҳўш, айни вақтда уларнинг фаолияти қандай ҳимоя этилмоқда? Яқинда имзоланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар мазкур оғриқли муаммоларга нечоғли барҳам беради? Мухбиримиз бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси Расул КУШЕРБАЕВнинг фикрлари билан қизикди.

— Мамлакатимизда демократик принципларга мос кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда замонавий профессионал журналистиканинг муҳим ўрни бор. Соҳадаги мавжуд тартиб-таомилларни соддалаштириш, қонунчиликни доимий тақомиллаштириб бориш ҳаётий зарурат бўлиб, бу тизим фаолиятини янада қучайтиришда долзарб аҳамият касб этади. "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш-

да ушбу соҳа вакилларининг мустақиллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада халқаро ҳуқуқ нормалари ва хорижий давлатларнинг қонунчилиги чўқур таҳлил қилинган ҳамда таққосланди. Айни чоғда АКШ, Германия, Буюк Британия, Австрия, Россия, Латвия, Украина, Беларусь, Қозғоғистон, Озарбайжон каби давлатларнинг мазкур йўналишдаги қонунчилик тажрибаси инobatга олинди. Шу билан бирга, қонун лойиҳаси мутасадди

давлат органлари вакиллари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, олимлар ва журналистлар билан кенг муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Қонунда, аввало, журналист тушунчасига таъриф берилди. Яъни журналист — оммавий ахборот воситалари учун меҳнатга оид ёки бошқа шартномавий муносабатлар асосида хабарлар ҳамда материалларни тўплаш, таҳлил этиш, тахрир қилиш, тайёрлаш ва тарқатишга доир фаолиятини амалга оширувчи шахс сифатида белгиланди. Аввалги тахрирдаги тушунчада эса журналист ОАВда хизмат қиладиган шахс бўлиши шартлиги ифodalangan ҳамда бу бугунги кун талабларига жавоб бермасди.

Шунингдек, Қонунда ахборотни тўплаш, таҳлил этиш, тахрир қилиш, тайёрлаш ва тарқатиш ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланиш мақсадида журналистларнинг ҳуқуқлари акс этди. Оммавий ахборот воситаларининг цензура қилинишига йўл қўйилмаслиги, ҳеч қим журналистдан эълон қилинаётган материаллар олдиндан келишиб олинишини, уларнинг мат-

ни ўзгартирилишини ёҳуд нашрдан бутунлай олиб ташланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эмаслиги ўз ифодасини топди. Айтиш мумкин, бу ОАВ вакиллари фаолиятида ханузгача учраётган айрим муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, унда ушбу соҳанинг сирини ошқор этмасликка доир журналистнинг мажбуриятлари белгиланди. Мазкур таъминий фуқароларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Аёнки, бугун ахборот оқими кучайиб бормоқда. Шуни инobatга олиб, ушбу ҳуқуқий ҳужжатда журналистнинг профессионал этика қоидалари институти киритилиб, бунда журналист шахси ва хулқ-аъволига қўйиладиган талаблар мажмуи белгиланди. Бу ўрнида журналистларнинг этика қоидалари мустақил равишда журналистлар бирлашмалари ёки тахриратлар томонидан жорий этилиши мумкинлиги назарда тутилди, ихтиёрийлик принципи амалда ўз аҳамиятини йўқотмаётганини ҳам келтириб ўтиш керак. Журналистни аккредитация қилиш

масаласи айни вақтда долзарб бўлиб, Қонунда аккредитацияланган журналистнинг ҳуқуқлари ҳамда аккредитациялаш тартиби аниқлаштирилди. Шу билан бирга, унда журналистнинг оммавий ахборот воситаларида ахборотини тарқатиш борасида жавобгарликдан озод этилишини аниқ механизм ва мезонлари белгиланди. Мисол учун, бу маълумотлар расмий хабарлардан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан ёки расмий статистика ҳисоботларидан, ахборот агентликлари ёки давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органларининг матбуот хизматлари орқали, шунингдек, уларнинг расмий веб-сайтларидан олинган бўлса, журналист жавобгар бўлмайди.

Мазкур Қонун давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларининг очикилигини таъминлаш, профессионал журналистларнинг фаолияти давомидаги эркинлиги қафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда жамоатчилик олдидаги касбий нуфузини оширишга хизмат қилади.

Зиёда АШУРОВА
ёзиб олди.

ДОРИЛАМОН КУНЛАР ШУКРОНАСИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Турсункул бобо қишлоқда 10 гектарлик "Турсунбод" боғини яратган. Боғдаги даракларни кўздан кечираркан, мамнун нигоҳларида самимий шукронани илғаш қийин эмас.

— Этибор ва эҳтиром — шукронани беҳитиёр кўз ўнгимда 75 йиллар илгари мудиш кунлар гавдаланади, — дейди бобо. — Одамнинг заррача қадри бўлмаган қирғинбарот жанглари, олис юртларда қолиб кетган тенгқурларим ёдимга тушади. Шундай кезлар тинчлик энг улуг неъмат, мустақиллик тенгсиз бахт эканини ҳис этаман. Ўтган йили Президентимизнинг фаолияти асосда сотиб олган "Малибу" автоташнасида юртимизни айлибди қикдим. Бунёдкорликларни кўриб, тилим лол қолди.

Туманинг Истикбол маҳалласида кексалик гаштини сураётган Мурод

Мавлонов ҳам ёшлигининг орзу-ҳавасларга тўла дамларини жангоҳларда ўтказган.


— Уруш тугаб, юртга қайтдим, — дейди Мурод бобо. — Ота-онам, укам ўтиб кеттишган экан, тоғларим қутиб олишди. Шундан сўнг чўпонлик қилдим. Мана, бугун рўзғоримиз бут, кўнглимиз хотиржам. Юртимизда беш, фахрийларга кўрсатилаётган юксак эътибор ҳамда эъзоздан беҳад мамнунимиз. Ёшларга уруш даҳшатлари ва ўтмишининг қора кунларидан сўзлаб, бугунги дориламон кунлар қадрига етиш, давлатимиз томонидан яратилган шароити имкониятлардан унумли фойдаланиш лозимлигини насаҳат қилман. Зотан, биз эришган барча ютуқ юртимиздаги тинчлик шарофатидандир, унинг қадрига етиш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз саналади.

Темур ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Президентимиз яқинда Сирдарё вилояти фаоллари йигилишида пахтачилик масаласига тўхталиб, “Бўлса-бўлмаса пахта экавериш, уни арзон нархда хом ашё сифатида сотиш — иқтисодиётни тушунмаслик. Энди пахтани фақат рентабеллиги бор жойларда экамиз”, дея алоҳида таъкидлади.

Пахта майдонлари 215 минг гектар қисқартирилди. Нега?

Фермерларга зарар келтирадиган, ҳосилдорлиги паст ерларга юқори даромадли ва экспортбоп экинлар экилади.



Давраларда жамон иқтисодиёти, олис-яқин давлатлардаги бугунги аҳвол ҳақида ўзаро баҳс-мунозара кетса, биз, албатта, халқимиз пахтакор эканлигидан гуруҳланамиз. “Оқ олтин” етиштиришу унинг экспорти бўйича олдинги сафлардалигимизни айтиб мақтанишга одатланганмиз.

Чиндан ҳам, халқимиз миришкор. Деҳқончиликнинг ҳадисини олган. Бўёғини сўрасангиз, энг катта майдонларда гўза ўстирган ҳам, рекорд даражада ҳосил йиққан ҳам ўзимиз. Бироқ ундан қандай наф кўрдик? Кўклардан то кузаккача даладан бери келмаган деҳқон, уни битталаб йиғиб-териб олган қишлоқ аҳли, бирламчи қайта ишлаган саноатчи қанча даромад олди?

Очиғи, ҳеч қанча. Пахтага сиёсий экин туси берилган вақтлар ортада қолиб, унга стратегик хом ашё деган нисбат бегоналашган истиклол йилларида ушбу тармоқнинг фойда-зиёнини амалда ҳис қилдик. Муҳими, ислохотларнинг янги босқичида аграр соҳа фақатгина пахтачиликдан иборат эмаслигини чуқурроқ англаймиз.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароити ишга бўлган талабни, масалага муносабатни таоммила ўзгартирди-да. Тавақкур уйғонди. Бинобарин, бундай эвриллишлардан аграр соҳа ҳам четда қолаётгани йўқ. У тубдан модернизация қилиниб, экин ерлари мақбуллаштириляпти. Натияжада асл деҳқончилик маданияти қайта тикланыапти.

Буни пахта майдонлари йил сайин қисқартирилиб, уларнинг ўрнига озиқ-овқат ва озуқабоп экинлар жойлаштириляётгани, янги бог-роғлар барпо этиляётгани мисолида аққол кўриш мумкин. Зеро, бугунги шиддатли ислохотлар кўяётган талаб шу: ташқи бозорда қайси маҳсулотга талаб юқори бўлса, ўшани эк. Даромад кўр. Рўзгоринг барака кўрсин. У меҳнатининг давлат ҳам манфаат топсин.

Иқтисодиётни тушунмасликнинг аянчли оқибати

Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, охириги уч йилда пахта экиладиган майдонлар қарийб 215 минг гектар қисқартирилгани аграр соҳани диверсификациялашда улкан қадам бўлди. Бутун бошли туманларда эса умуман чигит экилмаётгани, таъбир жоиз бўлса, тармоқда чинакам янгиланишлар даври кечаётганидан далолат.

Дарҳақиқат, айна пайтда Китоб, Асака, Ургут, Булунгур, Жомбой, Зангиота, Бўстонлик, Қиёрай, Паркент сингари 30 дан зиёд туманлар пахта етиштиришдан халос этилган. Табиати, иқлими мева-сабзавотчилик учун жуда мос бўлган мазкур худудларда узум, мева-сабзавот, полиз ва картошка етиштирилиб, ички бозор сервитамини неъматлар билан тўдириляпти, катта қисми эса экспортга чиқариляпти.

Бир пайтлар шафқатсизларча кесиб ташланган неча юз минг гектарлик кўркам ва серҳосил бог-роғлар, салқини оромбахш ёнғоқзорлар бодом-зорлар қайта тикланыапти. Шудгорлаб ташланган сабзавот-полиз пайкалларига ернинг жонини суғури оладиган эмас, балки дармон бўладиган, қувват бағишлайдиган экинлар экиляпти. Оддий ҳаёт ҳақиқати шуки, озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш дунё афкор оммасининг бирламчи ташвишига айланган айна шароитда Ўзбекистоннинг ширин-шакар мева-сабзавотлари пахта хом ашёсидан кўра кўпроқ фойда келтиради.

Шу ҳақда мулоҳаза қилганда, давлатимиз раҳбарининг куйинчаклик билан қайта-қайта мурожаат қилётган масала — пахта майдонларини қисқартириш борасидаги ислохотлар мазмун-моҳиятини англагандек бўласан, киши.

Президентимиз яқинда Сирдарё вилояти фаоллари йигилишида ушбу мавзуга яна тўхталиб, жумладан, шундай деди: “Бўлса-бўлмаса пахта экавериш, уни арзон нархда хом ашё сифатида сотиш — иқтисодиётни тушунмаслик. Энди пахтани фақат рентабеллиги бор жойларда экамиз”.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур таширфидан сўнг биргина Сирдарё вилоятида пахта майдонлари 20 минг гектар қисқартирилганини алоҳида қайд этиш зарур. Ушбу жойга худуд учун янги, айна пайтда ўта даромадли ҳисобланган зироат турлари жойлаштириляпти. Шу жумладан, 2 минг 494 гектарга рапс, кунгабоқар, кунжут, соя каби мойли экинлар, 3 минг 232 гектарга аччиқ қалампир, салат барги, барокко карами сингари сабзавотлар, 5,3 минг гектарга нўхат, мош, ловия каби дуккаклилар, 1,7 минг гектарга доривор ўсимликлар экиляпти. Бундан ташқари, салкам 1,5 минг гектарда анорзор, 118 гектар интенсификатив бог, 1,9 минг гектарда тоқзор барпо қилинмоқда. Қолган қисмида эса картошка, полиз, озуқа ва бошқа экинлар парваришланиши белгиланган. Бу эса аҳоли дастурхонини ноз-неъматлар билан тўдириши баробарида, худуд экспорт салоҳиятини оширишда айна мудоаодир.

— Бугун давлат тизимида, иқтисодий, маънавий ҳаётимизда, иқтисодиётда инқилобий ўзгаришлар кетаяпти, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, “Азим Шофиркон юдузи” фермер хўжалиги раҳбари Азим Латипов. — Шулар қаторида қишлоқ хўжалиги улкан ислохотларга юз тутмоқда. Унумдорлиги паст ерларга чигит экиляпти. Чунки бу на фермерга, на давлатга фойда келтиради. Турган-битгани зарар. Далаштли жойларга ёнғоқ эк, бодом, pista ўстир, томорқангда бўш жой қолмасин, ҳеч бўлмаса, қалампир эк,

дейляпти. Бунинг учун зарур шароит ҳам яратилмоқда. Деҳқончиликдаги ушбу ҳаётини ислохотлар қишлоқ хўжалиги раванқида туб бурилиш ысайди, албатта.

Зарарига ишлаш — вақтини, нақдини беҳуда совуриш демак

Пахтанинг ўзи енгилу иши оғир. Деҳқончасига айтганда, серташвиш экин. Суяғи далада қотган пахтакор фермерларнинг фикрича, бу йилгидек об-ҳаво шароитида чигитни ернинг намига ундириш нечоғли машаққатли кечаётган бўлса, баъзида ёнғарчилик мўлғилидан уруғ чириб кетгани ҳам кўп кузатиладган. Айрим пайтларда энди қўшқулқоқ кўрсатган ниҳолларни дўл ва жала ер билан яқсон қилгани, оқибатда қайта меҳнат, катта харажат билан такрор уруғ қадалгани ҳам бор гап.

Пахтачиликнинг машаққатли меҳнати ни халқимиз яхши билади. Аввалаги у яғана, сўнг кетмонда чопик қилинади-да, бегона ўтлар юлинади, ер қатқалоқ бўлса, тағин юмшатилади, хуллас, ғўза қатор орасига техника киргунига қадар агро-техника тадбирлари қўлда бажарилади.

Энди ўзингиз ўйланг, шунча тер тўққан деҳқон галври сувдан кўтарилаган пайтда қўкка тикилиб қолса, фойда туғул, қилинган харажати қопланмаса, қўли ишга берадими? Шундай экан, нима қилмоқ керак? Саволга жавобни Президентимиз шу йил 23 мартда бўлиб ўтган қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ишлар натижадорлигига бағишланган йиғилишида рўйирос айтди: “Фермерга фақат зарар олиб келадиган, ҳосилдорлиги 15 центнердан паст бўлган ерларга пахта экишдан мутлақо воз кечдик. Эндиликда бундай майдонларга юқори даромадли экспортбоп экинлар экилади”.

вожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Тўхтамурод Мейлиев. — Бу пахта майдонлари ўтган йилдаги нисбатан салкам 135 минг гектар қисқартирилди, деганидир. Жумладан, паст рентабелли, ер шароити ва сув таъминоти оғир бўлган қарийб 100 минг гектар майдон пахтадан бўша-тидди. Ушбу майдонларнинг 5,1 минг гектарига интенсификатив бог, 2,3 минг гектарига тоқзор, 811 гектарига иссиқхоналар барпо этилса, қолган қисмига сабзавот, полиз, дуккакли, мойли озуқа ҳамда озиқ-овқат экинлари жойлаштирилади.

Умуман олганда, жорий йилда юртимизда озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш, экспорт кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида асосий, оралиқ ва такрорий майдонларда жами 17,8 миллион тонна маҳсулот, хусусан, 7,1 миллион тонна сабзавот, 2,2 миллион тонна полиз, 95,8 минг тонна мойли, 697,8 минг тонна дуккакли маҳсулотлар, шунингдек, 1,5 миллион тонна картошка ҳамда 6,1 миллион тонна қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотлари етиштириш мўлжалланган. Бунинг учун зарур ёниғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, уруғлик ва бошқа моддий ресурслар ҳисоб-китоб қилиниб, ўз вақтида етказиб бериш чора-тадбирлари қўриляпти. Буларнинг барчаси соҳа олдига қўйилаётган талаб — озиқ-овқат маҳсулотлари импортини кескин камайтириш, экспортни кўпайтиришга хизмат қилади.

Қайси бири фойдали?

Иқтисодиёт вазирлигидан маълум қилишларича, 2017 йил якунига кўра, паст рентабелли ерларда етиштирилган пахтанинг 1 гектаридан ўртача 0,9 миллион сўм даромад олинган, холос. Ҳолбуки, ушбу жойга экиладиган сабзавотдан 5,2 миллион сўм, картошкадан 5,9 миллион сўм, полиздан 4,1 миллион сўм, мевадан 1,8 миллион сўм, узумдан 2 миллион сўм, мойли экинлардан эса 1,2 миллион сўмдан зиёд даромад олиш мумкин.

Бу, ўз навбатида, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига йилдан-йилга ўсиб бораётган талабини тўлиқроқ қондириш, қайта ишлаш ва экспортчи корхоналарнинг кўшимча даромад манбаларини шакллантириш имконини беради. Мана, илгари суриляётган масаланинг асл моҳияти, ислохотлардан кўзланган пировад мақсад!

— Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги тегишли қарорига мувофиқ, Иқтисодиёт вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мева-сабзавот, узум, полиз ва дуккакли дон маҳсулотлари етиштириш таннархидан келиб чиқиб, тавсиявий бизнес-режалар ишлаб чиқди, — дейди Иқтисодиёт вазирлиги қишлоқ хўжалигида тузилмавий ўзгаришлар бошқармаси бошлиғи Ҳасан Мамарасулов. — Бунда 1 гектар майдонда экин етиштириш, амалга ошириладиган агротехника тадбирлари ва моддий-техника

ресурслари, меҳнат сарфи, солиқ ҳамда бошқа харажатлар ҳисоб-китоби тўлиқ қамраб олинган. Унга кўра, 1 гектар майдонда сабзавот экинларини парваришлаш харажати 12,8 миллион сўм бўлиб, ҳосилдорлик ўртача 220 центнерни ташкил этса, олинмайдиган жами 22 тонна маҳсулотнинг 1 тоннаси таннархи 583 минг сўмга тушади. Етиштирилган маҳсулот ўртача 800 минг сўмдан сотилган тақдирда жами даромад 17,6 миллион сўм, шундан соф фойда 4,8 миллион сўмга етади, рентабеллик эса 37 фоизга таъминланади.

Паст рентабелли пахта майдонларининг мақбуллаштирилиши моддий ва табиий ресурсларни тежашда ҳам кўл келади. Сабаби, барпо этиладиган интенсификатив богларга томчилатиб суғуриш тизими жорий қилиниши эвазига унинг ҳар гектаридан 2,5 — 3,5 куб метр, тоқзорларда эса 1,2 — 1,8 куб метр сув тежалайди. Бундан ташқари, 130 минг тонна пахта ўрнига қўшимча 430 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот, 350 минг тоннадан ортиқ мойли ва озуқа, 60 минг тонна шоли ва дуккакли экинлар ҳосили олинади, 20 мингга яқин шў йўрилари очилади.

Яна бир муҳим жиҳати, унумдорлиги паст ерларда гўзани жойлаштирилган ҳисобига ўртача ҳосилдорлик ўтган йилдаги 27 центнерлик кўрсаткичдан жорий йилнинг ўзида 29 центнерга кўтарилиши кутуляпти. Натияжада 1 гектарда пахта хом ашёси етиштириш харажатлари ўртача 5,1 миллион сўмдан 8,6 миллион сўмга кўпайгани ҳолда, рентабеллик 0,1 фоиздан 10,2 фоизгача ошади.

Аччиқ экиннинг ширин ҳосили

Аграр соҳада бошланган ислохотлар узвийлиги, изчиллиги таъминланиши гўнгда азамиятди. Негаки, самара ана шунда сезилиши. Шу маънода, пахта майдонларини мақбуллаштириш ҳаракати давомийлиги билан деҳқону фермерлар даромадини оширишда мустақам пойдевор яратмоқда.

Ҳап шундаки, пахта майдонлари 2019 йилда 37,5 минг, 2020 йилда йилда эса 33 минг гектарга қисқартирилади. Бўшаган ерларга давлатимиз раҳбарининг тавсияси бўйича сердаромад ва экспортбоп бўлган экинлар жойлаштирилади. Масалан, республикамиз шиммий худудларида шоли ва полиз, юртимиз жануби ва Самарқандда картошка ҳамда қарама, водий вилоятларида эса помидор, бодиринг, лавлага ва кўклат экин фермер хўжалиқларига иқтисодий жиҳатдан кўпроқ фойда келтиради.

Шу ўринда айтиш жоизки, соҳа мутахассислари ва олимлар, тажрибали экспортёрлар томонидан тавсия этиляётган серҳосил ҳамда ташқи бозорда харидорнинг қишлоқ хўжалиги экинлари рўйхатида аччиқ қалампирга алоҳида ўрин берилган. Бу беҳиз эмас, албатта. Чунки паст рентабелли майдонларда 60 — 80 кунда етиладиган қалампир парваришланса, қони фойда.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда дунё бўйича 4,4 миллион гектар майдонда аччиқ қалампир экилиб, ялли ҳосил салмоғи 68,3 миллион тоннадан ошади. Бошқача айтганда, ушбу экин ҳосилдорлиги гектарига ўртача 15 — 20 тоннани ташкил этади. Агар унинг 5 килограммидан 1 килограмм қуритилган аччиқ қалампир олиш мумкинлигини назарда тутсақ, қалампир пайкалининг ҳар гектаридан 16 тонна ҳосил йиғиштирилган тақдирда 3,2 тонна қуритилган аччиқ қалампир тайёрлаш мумкинлиги ойдинлашади. Ушбу маҳсулот жаҳон бозорига дўта харидорнинг бўлиб, унинг 1 тоннаси 8,6 минг АҚШ доллари атрофида баҳоланади. Эътибордан буткул четда қолиб кетган сабзавотчиликнинг мазкур йўналишидан бунча даромад топиш мумкинлиги, очиги, пахтакор халқимизнинг ҳаёлига ҳам келмаганди.

Ҳозирги пайтда аччиқ қалампир савдосидан олинмайдиган даромаднинг асосий қисми Индонезия, Хитой ва Мексика миришкорлари қўлига тегапти. Юртимиз

да хориж тажрибасини ўрганган ҳолда, аччиқ қалампир етиштиришни кўпайтириш бўйича бошланган амалий саъй-ҳаракатлар, ҳадемай, улар сафига қўшилишимизга умид уйғотмоқда.

Бундай дейишимизнинг боиси шундаки, жорий йилнинг ўзида пахтадан бўшаган майдонларнинг салкам 2 минг 300 гектарига аччиқ қалампир жойлаштирилмоқда. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг айтишича, хусусан, Фарғонада 770, Сурхондарёда 547, Тошкент вилоятида 431, Хоразмда 175 гектарда ушбу зироатнинг жаҳон бо-

тани тола кўринишида эмас, балки тайёр маҳсулот сифатида сотсақ, даромад ортади. Шунинг учун қайта ишлаш ҳажми йил сайин оширилмоқда. Бу борадаги ўсиш кўрсаткичларини англаш учун мустақилликнинг дастлабки йилларида қайта ишлаш ҳажми атғи 5 — 7 фоиз атрофида бўлганини эслаш қўфоя. Юртимиз саноатчилари 2018 йилда 469,6 минг тонна қалава ип, 305,2 миллион квадрат метр газлама, 93,1 минг тонна трикотаж мато, 540,2 миллион тайёр тикув маҳсулотлари ва 84,7 миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқаришни режалаштиришган.

зорида харидорнинг бўлган хорижий навлари экиляпти. Эътиборлиси, деҳқон ва фермер хўжалиқлари, шунингдек, томорқачиларга иссиқхоналарда парваришланган тайёр қалампир ниҳоллари тарқатилаяпти.

Хом ашё эмас, тайёр маҳсулот сотамиз

Кейинги пайтда жаҳон бозорига пахта толасига бўлган талабга қараб, унинг баҳоси ўзгариб турибди. Аммо синтетик, ҳатто бамбук товланган саноатда кенг қўлланилаётган ҳозирги тараққиётнинг инновацион босқичида ҳам пахта толасига эҳтиёс айтарли сувайгани йўқ. Аксинча, аҳоли сонининг кўпайиши, даромади ортиб, турмуши фаровонлашуви каби омиллар табиий маҳсулотга рағбатни кучайтирапти.

Бироқ масаланинг бошқа нозик жиҳати шундаки, даромаднинг асосий қисми йил бўйи қўли қавариб хирмон кўтарган деҳқон ёки фермерга эмас, тайёр хом ашёни чуқур қайта ишлаган саноатчиларнинг илгика тушаяпти.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 1 килограмм қалава ип олиш учун 1,15 килограмм пахта толаси қайта ишланади. Шунча қалава ипдан 5 метр газлама ёки 0,93 килограмм трикотаж мато туқилади. Ўз навбатида, трикотаж матонинг ҳар бир килограммидан ўртача 5-6 та тайёр кийим тиқиш мумкин. Буни пулга қақадиган бўлсақ, қалава ипнинг

Бу рақам келгусида ортиб бораверади. Сабаби, 2018 — 2021 йилларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янги корхоналарни бунёд этиш ҳисобига етиштирилган пахта толасини ўзимизда тўлиқ қайта ишлаш қувватлари (977,8 минг тонна) яратилади. Натияжада ишлаб чиқариш ҳажми 1,7 баробар, тайёр тикувчилик маҳсулотлари 2 баробар, пайпоқ маҳсулотлари 3 баробар ортиши мўлжалланмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ушма томонидан 2018 йилда умумий қиймати 461,3 миллион долларга тенг бўлган 28 та йирик лойиҳани бажариш ишларига қиришилган. Уларнинг изчил ижроси йиллик маҳсулот экспортини 189,4 миллион долларга ошириш, 6,4 мингга янги иш ўрни яратиш имконини беради.

Тармоқдаги инновацион қадам

Етиштириляётган пахта ҳақида кўпроқ қайта ишловчилар қайғуриши кераклигини давринг ўзи тақозо қилапти. Боиси аграр соҳа қанчалки саноатлашса, арзон ва сифатли хом ашё тайёрлаш, унга қўшимча қиймат қўиш ҳажми шунчалик ортади. Пировадига давлатнинг иқтисодий ва экспорт салоҳияти кўтарилиб, қишлоқ аҳлининг турмуш фаровонлиги юксалади. Шунинг учун ҳозирги пайтда пахтачиликда илгор технологияларга асосланган инфратузилмани яратиш, жаҳон тажрибасида ўзини оқлаган кластер усулини жорий қилишга жиддий эътибор қаратиляпти.

Бугунги кунда 30 дан зиёд туманлар мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган бўлиб, уларда пахта умуман етиштирилмаяпти.

Бу йил пахтадан бўшаган майдонларнинг

- ✓ 5,1 минг гектарига интенсификатив бог,
- ✓ 2,3 минг гектарига тоқзор,
- ✓ 811 гектарига иссиқхоналар барпо этилади.

Қолган қисмига эса сабзавот, полиз, дуккакли, мойли ҳамда озиқ-овқат экинлари жойлаштирилади.

Жорий йилда юртимизда асосий, оралиқ ва такрорий майдонларда жами

17,8 миллион тонна озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилади.

баҳоси 20 — 22 минг сўм, трикотаж матонини 30 — 35 минг сўмни ташкил этади, холос. У тайёр маҳсулотга айланитрилган эса қиймати кескин ошиб, ўртача 200 минг сўмга айланади!

Шунинг учун давлатимиз раҳбари яқинда Жиззах вилоятига амалга оширган сафари давомига соҳа мутахассислари олдига қатъий талаб, аниқ вазифа қўйди: бундан буюғига чалбо хом ашё сотилмайди, у қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотга айланитрилган ҳолда экспорт қилинади. Ушбу мақсадга қанча эришамиз?

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасидан олинган маълумотларда келтирилишича, йилга 1 миллион тоннага яқин тола олинади. Ҳозирги кунда мавжуд қувватлар эса 706,2 минг тонна тола қайта ишлашга мўлжалланган бўлиб, бу республикада етиштирилган пахта толасининг 72,4 фоизини ташкил этади.

— Бугунги ислохотлардан кўзланган мақсад, шубҳасиз, машаққатли меҳнат эвазига яратилган хом ашё қийматини ошириш, кўпроқ фойда кўришидир, — дейди “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси миктакаларда тўқимачилик саноатини ривожлантириш бўлими бошлиғи Соҳиб Бобоқулов. — Пах-

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, синов тарикасида 13 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг афзаллиги шундаки, пахта толасини қайта ишловчи корхоналар бевосита ўзлари хом ашё етиштириш жараёнлари иштирокчисига айланади. Бу қишлоқ хўжалиги ва саноат интеграциялашувини жадаллаштириш, корхоналарнинг сифатли, таннархи арзон, энг муҳими, эҳтиёжга яраша тола билан тўлиқ таъминланишини кафолатлайди.

Содда қилиб айтганда, пахта-тўқимачилик кластери, бу — янги технолоик занжирга бирлаштирилган корхоналар мажмуи. Мазкур янги тузилма инновацион иқтисодиётга ўтишни муҳим босқичи саналади. Чунки бу ерда хом ашё қайта ишлашнинг барча босқичидан ўтиб, экспортбоп тайёр маҳсулотга айланади. Шу маънода, кластерларга пахта хом ашёси етиштириш учун 140,9 минг гектар ер майдонлари ажратилаётгани аграр тармоқдаги инновацион қадам сифатида баҳоланмоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги бугунги ўзгаришлар, яъни пахта майдонларининг қисқартирилиши замирида пахтачиликни энг сердаромад тармоқлардан бирига айланитришдек эзгу мақсад-муддао мужассамдир. Токи, фермер унумдорлиги паст ерларга чигит қадаб, вақтини, нақдини беҳудага совурмасин, тупроқ-иклим шароитига мос экин экиб, меҳнатига яраша фойда кўрсин. Бунинг учун деҳқон ва фермерларга зарур шарт-шароитлар яратиш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш баробарида, пахта харид нархи ҳам муттасил равишда оширилмоқда. Зотан, экспортни кўпайтириш, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлашда етакчи куч ҳисобланган тўқимачилик ва енгил саноат салоҳиятини юксалтириш, қайта ишлаш корхоналарини хом ашё билан барқарор таъминлаш мазкур тармоқ истиқболи билан чамбарчас боғлиқдир.

